### НАТО ва Ўзбекистон:

# ХУРУЖЛАРГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иккинчидан, биз алоҳида минтақа мамлакатларининг ўзаро манфаатли бўлган амалий масалалар, жумладан, илмий ҳамкорлик ҳамда табиий офатлар ва фожиаларни бартараф этиш борасида ҳамкорлик қилишларига кўмаклашмоқдамиз. Бунга ёрқин мисол — жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистонда НАТО ҳомийлигида ўтказилган фуқароларнинг фавқулодда режалаштириш ўқув машғулотларидир. Шунингдек, гиёҳванд моддалар савдоси, қурол-яроғ контрабандаси ва уюшган жиноятчилик сингари муаммоларга қарши курашиш имкониятлари мавжуд. Марказий Осиёни кўпдан бери ташвишлантираётган бу минтақавий хавфсизлик муаммоларини фақат ҳамкорлик йўли билан ҳал этиш мумкин.

Учинчидан, биз терроризмга қарши кураш борасида шериклик ҳаракатларининг алоҳида режасини амалга оширмоқдамиз. Терроризм доимий ва кўпқиёфали таҳдид бўлиб, унга қарши кураш изчил ва ҳар томонлама ҳамкорликни тақазо этади. Ҳаракатлар режаси терроризмга қарши кураш юзасидан сиёсий консультациялар ва амалий дастурларга кўмаклашиш орқали бундай алоқаларни ўрнатишга имкон яратади. Мен Ўзбекистон бу саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этаётганини мамнуният билан қайд этаман.

НАТО XXI аср хавфсизлигига бўлган хуружларга қарши курашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари ҳам биз билан бир қаторда бунга ўз ҳиссаларини қўшишларини истаймиз. Ўзбекистон ҳамкорлик йўлидаги изчил сиёсати ва Афғонистон учун ёрдам саъй-ҳаракатларида фаол иштироки орқали ўзининг салмоқли мададини намойиш этди.

Шу билан бирга, янада кўпроқ ишларни амалга ошириш мумкин ва бу саъй-ҳаракатлар келажакда ўзининг салмоқли маҳсулини беради. Сиёсий ва иқтисодий аниқ ўзгаришларни амалга ошириш, қуролли кучларни рационализациялаштириш ҳамда узвий минтақавий ҳамкорликка кўмаклашиш йўли билан Ўзбекистон нафақат терроризмга қарши курашга янада ишончли ҳисса қўшган бўлади. Бу саъй-ҳаракатлар, шунингдек, мамлакатнинг порлоқ келажаги, фаровонлиги ва халқаро ҳамжамиятга янада яқинроқ интеграциялашувини кафолатлашга хизмат қилади.

НАТО ислоҳотларнинг мураккаб масалаларини ҳал этишда кўмаклашиш, хавфсизликка бўлган умумий хуружлар, шу жумладан, терроризм таҳдидига қарши ҳамжиҳатликда курашиш орқали Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилишга интилмоқда. Аммо мамлакат ва минтақанинг улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш учун, аввало, сиёсий ирода ва қатъиятлик, шунингдек, ҳам мамлакат ичкарисида ҳам ўзга давлатлар билан ҳамкорлик қилишга ҳақиқий тайёрликни тақазо этади. Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилган НАТО иттифоқчилари ушбу мақсадларга эришишнинг яққол аломатларини кўришмоқда. Менинг Тошкентга режалаштирилган ташрифим арафасида бу менга катта умид бахшида этади.

**Жорж РОБЕРТСОН,**
**НАТО Бош котиби.**

# Шартнома масъулияти

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган мажлис Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрь куни қабул қилган 383-сонли қарори ижросини таъминлаш масалаларига бағишланди.

Вазирлар Кенгаши Раиси Турсунбой Тангрибергaнов бошқарган ушбу машваратда шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, мулкдорлар синфи вакиллари қатнашдилар. Маърузаларда қишлоқ хўжалиги борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, бунда шартнома муносабатларини янада такомиллаштириш муаммолари кўтарилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Абдувоҳид Жўраев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Муса Ерниязов иштирок этди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Мустақиллик иншоотлари

# ҚИЗИЛҚУМ МЎЪЖИЗАСИ

**ёки Навоий кон-металлургия комбинати ташкил топганининг 45 йиллиги муносабати билан «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси фаолиятига бир нигоҳ**

Ҳар бир давлатнинг куч-қудрати, халқининг фаровонлиги унинг ҳудудидаги қазилма бойликлари билан чамбарчас боғлиқ. Фойдали қазилма заҳираларининг миқдори қанчалик кўп ва талабгор бўлса, бундай мамлакат иқтисодий бақувват, халқаро миқёсда сўзи ўткирроқ бўлади. Заҳиралари миқдори бўйича республикамиз ер юзидаги дастлабки ўнта давлат сафига киради.

Бойликларимизнинг асосий қисми Қизилқум саҳроси бағрида жойлашган. Қирқ йилдирки, унинг ҳудудларидаги ноёб маъданлар қазиб олинмоқда. Бу юмуш билан Навоий кон-металлургия комбинатининг бир неча заводлари, қўшма корхоналари шуғулланмоқда. «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси — шулардан бири.

Қизилқумнинг қоқ белидаги ушбу корхона нақ мўъжизанинг ўзи. Унда жаҳон андозасидан ҳам юқори бўлган қуйма олтин ёмбилари ишлаб чиқарилаяпти, десак ҳеч муболаға бўлмас.

Юртбошимиз «Зарафшон-Ньюмонт» янги мустақил давлатларда тенги йўқ йирик лойиҳадир» деганида қанчалик ҳақлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Ўзбекистонда хорижий ҳамкорлар иштирокида, чет эл кредитларини жалб этган ҳолда яратилган дастлабки кон қазиб олиш корхонаси 225 миллион АҚШ долларида баҳоланганини кўз олдингизга келтиринг-а?! У атиги 18 ойда қурилиб битказилди. 45 минг тоннадан зиёд материаллар ва асбоб-ускуналар минг-минг мил масофадан ташиб келтирилди. Қурилиш ишларида дунёдаги 70 мамлакат мутахассислари қатнашди. Қарабсизки, энг сўнгги, замонавий технологиялар ёрдамида бир кеча-кундузда 40 минг тонна чиқиндини қайта ишлаш имконияти яратилди.

Корхона 1995 йилнинг май ойида иш бошлаган эди. Ўтган даврда 100 тоннадан зиёд соф олтин ишлаб чиқарилди. Унинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга қўшган ҳиссасини ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверинг. Бугина эмас. Корхона жамоаси Ўзбекистон-Америка давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни юқори поғонага кўтаришда намуна бўлмоқда.

«Хўш, нега ҳамкор сифатида фақат «Ньюмонт Гоулд» фирмаси танланди?» деб сўрарсиз. Маълумки, Американинг Флорида штатида жойлашган ушбу корхона — дунёдаги энг йирик олтин қазиб оладиган компаниялардан бири. Ер юзидаги 150 дан ортиқ конларда «фифти-фифти», «50-50» шартномаси асосида иш бажараяпти. Технологиялари энг замонавий, чиқитсиз, шовқинсиз ишлайди. Устига устак, экологик мувозанатни бирдай сақлайди. Усул ва услуби жиҳатидан дунёда ягона бўлган шундай машҳур компания билан ҳамкорлик муваффақият келтириши аниқ эди-да.

Бундан ташқари, Мурунтов олтин ҳавзаси ён-атрофида шунчалик кўп «сунъий тоғлар» вужудга келган эдики, уни фақат энг мукаммал технология билан қуролланган корхонагина қайта ишлашга қодир эди. Бу собиқ империя даврида очкўзлик билан, пала-партиш қазиб олиниб, марказга ташиб кетилган олтиндан қолган уюм-уюм тоғ жинслари бўлиб, 30 йил давомида ўсиб, экологияни, табиий кенгликларни издан чиқариб келарди.

Қўшма корхона ана шу тоғ уюмларидан асл металлни ажратиб олишни кўзда тутарди. Хуллас, кераксиз деб ҳисобланган рудадан олтин яратишга асос солинди. Қолаверса, иккиламчи хомашё қайта ишлангандан кейин қолган тоза қум далаларга сепилиб, табиат мувозанатини сақлашга киришилди.

1997 йилнинг октябрига келиб, корхонанинг қуввати лойиҳада мўлжалланган маррага етди. У атиги 6 гектарча майдонни ўз ичига олган бўлиб, асосан 3 та тегирмон, шунча ихчам ҳаво тозалагич ва чанг ушлагичлардан иборат. Мўъжаз маъмурий бинодан ташқари барча ёрдамчи кучлари ғилдираклар устига ўрнатилган. Асбоб-ускуналар ва механизмлар ҳеч қийинчиликсиз бир жойдан иккинчи жойга кўчирилаверади.

Иш фаолияти 4 босқичдан иборат. Дастлаб тоғ жинслари қайта ишланади. Қарийб беш чақиримлик транспортерлар уларни ҳеч қандай шовқинсиз кейинги босқичларга етказади. Сўнгги босқичлардагина тегирмонларда майдаланади ва текисланиб қўйилган майдонларда ноёб тупроқ уюмлари пайдо бўлади. Ана шу уюмлардан кимёвий моддалар ёрдамида олтин ажратилади. Сувдан фойдаланиш жараёни ҳам қизиқ. Гидрометаллургия заводидан чиққан ифлос сувлар азанатор тозалагич қурилмалари ёрдамида фильтрлангач, технологик жараёнда ишлатилаверилади. Бу билан тупроқнинг ва ер ости сувларнинг зарарланишига йўл қўйилмайди. Чунки махсус заҳарли қоришмалар ўта мустаҳкам полиэтилен қопламалар билан ҳимояланган.

Шу тариқа бу ерда йилига 14-15 миллион тонна ташландиқ тоғ жинслари қайта ишланмоқда. Бу билан иккиламчи хомашё ҳисобидан 10-12 тонна олтин олинаяпти.

Қўшма корхона номи билан тамғаланаётган «9999» русумидаги энг ноёб олтин қуймалари эса софлиги жиҳатидан жаҳон бозори мезони, деб тан олинганлиги кўпчиликка маълум. Қўйинг-чи, эндиликда Зарафшон олтинларини бутун жаҳон билади. Улар бу соҳада Индонезиянинг «Грасберг» корхонасидан кейин 2-ўринда турибди.

Муҳими, афсонавий қўшма корхона бугунги кунда чет эл сармоядорлари, фирма ва компанияларининг ҳам диққатини тортаяпти. Европа Тикланиш ва тараққиёт банкидан олинган 112 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитнинг ўз муддатида қопланаётгани ҳам бунга асос бўлмоқда. Ўзаро ишонч тобора мустаҳкамланаяпти. Шу боис банк корхона қувватига қувват қўшиш мақсадида яна 30 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратди. Бу корхонанинг 2013 йилгача тўлиқ чет эл инвестицияси билан таъминланишига имкон беради.

Кончиларнинг кўплаб савоб ишларга бош қўшаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, улар бир неча йилдан буён Зарафшон шаҳридаги мактабларни ўқув қуроллари, замонавий компьютерлар билан таъминлаётир, болалар боғчаларига ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, «Прожект ХООУП» нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда мамлакатимизга 21 миллион АҚШ долларилик дори-дармон, тиббиёт ускуналари келтирилди. Яқинда эса болалар спортини ривожлантириш жамғармасига бир миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

Айтиш мумкинки, умуман, қўшма корхона мамлакатимиз олтин ишлаб чиқариш саноати тараққиётида янги саҳифа очди. Комбинат тарихига янги солномалар битди. Бугунги кунда унинг қуйма ёмбилари Лондон, Токио, Вашингтон, Мадриддаги дунё биржаларида сотилмоқда, ҳатто Жанубий Африка, Америка, Россия нодир металлари билан рақобатда ҳам анча устунлигини исботламоқда. Бу билан нафақат навоийликлар, балки бутун Ўзбекистон аҳли фахрланса арзийди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

# «Evropa-Fashin» иш бошлади



*Пойтахтимиздаги «Юлдуз» акциядорлик жамияти қошида ўзбек-чех қўшма корхонаси «Европа Фашин» иш бошлади. Замонавий хориж технологияси асосида жиҳозланган ушбу корхонада асосан эркаклар устки кийимлари тикилади.*

*Мазкур қўшма корхонанинг ишга туширилиши маҳаллий бозорни ҳар қандай хориж маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган, маҳаллий хом-ашёдан тикилган сифатли арзон кийим-кечаклар билан тўлдиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. «Европа-Фашин» келгусида ўз маҳсулотларини экспорт қилиш ниятида.*

**СУРАТЛАРДА: илғор тикувчи Шоҳида Саидхўжаева; цехда иш қизғин.**

# Малака ошириш учун — Ҳиндистонга

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Э.ХОЛИҚОВ).*

Ўзбекистонлик мутахассисларнинг навбатдаги гуруҳи техник ва иқтисодий ҳамкорлик дастури — ITEC доирасида малака ошириш учун Ҳиндистонга жўнаб кетди.

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида демократик давлат, фуқаролик жамияти ва бозор иқтисоди асосларини мустаҳкамлашга қаратилган жадал ўзгаришлар рўй бермоқда, — деб таъкидлади Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси иккинчи котиби жаноб Маниш. — ITEC доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорликдан мақсадимиз инсон ресурсларини ривожлантириш орқали бу ишга кўмаклашишдир. Жумладан, ҳозиргача 650 дан ортиқ ўзбекистонлик мутахассис телекоммуникация, менежмент, туризм, фармацевтика, дипломатия, кичик ва ўрта бизнес, юқори ахборот технологиялари, молия, журналистика, тўқимачилик саноати каби муҳим йўналишларда ўқитилди. ITEC доирасида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик сўнгги йилларда анча кенгайди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур дастур Ҳиндистон томонидан 1964 йилдан буён 144 мамлакатда амалга оширилмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон билан ҳамкорлик 1993 йилда бошланган бўлиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

# Ҳам билим, ҳам ҳунар

**Бухоро вилоятида олий ўқув юртлари билан мактаблар ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бунга Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг 26-мактаб-интернатни ҳомийликка олганлиги яққол мисол бўла олади. Яқинда институт профессор-ўқитувчилари 256 нафар ўқувчи таълим олаётган масканга 400 минг сўмлик ўқув қуроллари ҳамда тикув машинасини совға қилишди. Энди улар билим олиш билан бирга тикувчилик, чилангарлик ва дурадгорлик касбларини ҳам ўрганмоқдалар.**

**Ўз мухбиримиз.**

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ).*

Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Марказий Осиёда энергетика соҳасида минтақавий ҳамкорлик ва Энергетик хартия жараёнининг аҳамиятига бағишланган икки кунлик халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Буюк Британия ҳукуматлари ҳамда Энергетик хартия котибияти иштирокида ташкил этилган мазкур анжуманда Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Туркия ва Эрон каби мамлакатлар вакиллари иштирок этди. Анжуманда, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва ишбилармон доиралар вакиллари ҳам қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев мазкур тадбир Марказий Осиёда энергетика соҳасидаги минтақавий ҳамкорликда Энергетик хартиянинг аҳамиятига бағишланган биринчи халқаро анжуман эканини қайд этди.

Энергетик хартия котибияти бош котиби Рия Кемпер Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик минтақадаги узоқ муддатли иқтисодий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Анжуман иштирокчилари Марказий Осиё энергетика тизимида қулай сармоя муҳитини яратиш, энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш стратегияси ҳамда минтақада ва ташқи бозорларда нефт, газ ва электр энергияси транзити учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратишга оид масалаларни муҳокама қилди.

Қирқиш чизиғи

органларига белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳужжатлаштирилган ахборотни мажбурий тақдим этиши тартиби, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган давлат органларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат сирлари ва махфий ахборот жумласига киритилган ахборотни тақдим этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**10-модда. Ахборот ресурсларидан фойдаланиш тоифалари**

Ахборот ресурслари улардан фойдаланиш тоифалари бўйича ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларига ва фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига бўлинади.

Чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборот ресурслари ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурслари ҳисобланади.

Ичида давлат сирлари тўғрисидаги ахбороти ва махфий ахбороти ёки фойдаланилиши ахборот ресурсларининг мулкдорлари томонидан чеклаб қўйилган ахбороти бўлган ахборот ресурслари фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига киради.

Ахборот ресурсларининг мулкдорлари ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқли фойдаланишини таъминлаши керак.

Ахборот ресурсларини фойдаланиш тоифаларига киритиш ахборот ресурслари мулкдори томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

**11-модда. Ахборот ресурсларидан фойдаланиш**

Ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ахборот ресурсларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга, фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурслари бундан мустасно.

Ахборот ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда ҳақ олиниши мумкин.

Ахборот билан таъминлашга доир ахборот ва хизматлар рўйхатларини, ахборот ресурсларидан фойдаланиш тартиби ва шартлари ҳақидаги маълумотларни ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгалари фойдаланувчиларга бепул тақдим этади.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзлари қонуний асосларда ахборот ресурсларидан олган ахборотдан ахборот манбаини албатта ҳавола этган ҳолда ҳосила ахборот яратиш учун фойдаланишлари мумкин.

Ахборот ресурсларидан ахборот олиш тартибини ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда аниқлайди.

**12-модда. Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари**

Ичида жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахбороти бўлган ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборот махфий ахборот тоифасига киради.

**13-модда. Ичида ўзлари тўғрисида маълумотлар бўлган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши**

Ичида ўзлари тўғрисида маълумотлар бўлган ахборот ресурс-

6

Буклаш чизиғи

*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

## АХБОРОТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборот инфратузилмаси** — ахборот тизимларининг ишлашини таъминловчи ташкилий-техникавий тузилмалар ва объектлар, маълумотлар банклари ва базалари, алоқа ва маълумотлар узатиш тизимларининг мажмуи;

**ахборотлаштириш** — ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни;

**ахборот ресурси** — моддий жисмдаги ёки ахборот тизими таркибидаги ахборот, маълумотлар банки ва базаси, дастурий маҳсулот;

**ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори** — ахборот ресурсларига, ахборот тизимларига тўла ҳажмда эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг эгаси** — ахборот ресурсларига, ахборот тизимларига қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**ахборот технологияси** — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар мажмуи;

**ахборот тизими** — ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланиш имконини берадиган ташкилий жиҳатдан тартибга солинган мажмуи.

**4-модда. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати**

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожланти-

3

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.

2. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси тушган таклифларни манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда умумлаштирсин ҳамда "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 30 август.

2

Буклаш чизиғи

ларидан юридик ва жисмоний шахслар эркин фойдаланиш, мазкур маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини таъминлаш мақсадида уларга аниқликлар киритиш ҳуқуқига эга.

Ичида ўзлари тўғрисида маълумотлар бўлган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши қонун билан чеклаб қўйилиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахсларга ичида ўзлари тўғрисида маълумотлар бўлган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишни ахборот ресурслари мулкдори ёки эгаси рад этганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**14-модда. Миллий ахборот тизими**

Миллий ахборот тизимига давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари киради.

Миллий ахборот тизими давлат бюджети маблағлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилади.

Миллий ахборот тизими унинг таркибига кирувчи ахборот тизимларининг халқаро ахборот тизимлари билан бир-бирига мослигини ҳисобга олган ҳолда яратилади.

Миллий ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда ахборот айирбошлаш шартнома асосида амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**15-модда. Ахборот тизимларидан битимлар тузиш учун фойдаланиш**

Юридик ва жисмоний шахслар ўртасида битимлар тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**16-модда. Ахборот тизимларининг техника воситаларини сертификатлаштириш**

Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.

Фойдаланилиши чеклаб қўйилган ҳужжатлаштирилган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, юридик ва жисмоний шахслар ахборот тизимларининг техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

**17-модда. Ахборот тизимларининг тармоқлараро бирикиши**

Ахборот тизимларининг тармоқлараро бирикиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот айирбошлаш учун амалга оширилади.

Ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро бирикиш имкониятини таъминлайдилар.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро бирикиши ахборот тизимлари мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро бирикишларни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

**18-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш**

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш

7

*Бағрикенглик*

# «БОШИМНИ СИЛАГАНЛАРГА РАҲМАТ»

Тарихнинг гувоҳ беришича, дастлаб «исломни асл ҳолатига келтириш» деган даъват билан яшил байроқ остида фаолият бошлаган ақидапарастлар XX аср охирига келиб, ҳокимият учун очиқдан-очиқ курашувчи ашаддий террорчиларга айланишди. Улар ҳеч қачон мавжуд тузум, унинг халқчиллиги, адолатли эканлиги, халқнинг хоҳиш-иродаси, орзу-интилишлари билан ҳисоблашиб ўтирмаган.

Бундай қора кучлар, биринчи навбатда, ҳали онги шаклланмаган ёшларни йўлдан оздиришга, ўз сафларини кенгайтиришга, уларнинг қўли билан қабиҳ жиноятлар содир этиб, иқтисодиёт илдизларига болта уришга, яъни давлатни заифлаштиришга ҳаракат қиладилар.

1999 йилнинг 16 февралида Президент ҳаётига суиқасд қилиш, амалдаги конституциявий тузумни ағдариш ва ҳокимиятни босиб олиш мақсадида Тошкентда содир этилган машъум портлашлар юрт тинчлигини, Ватан осойишталигини, оиласи, фарзандлари хотиржам яшаб, ўқишини истаган ҳар бир инсон учун аччиқ сабоқ бўлди.

Бу ҳақда ўйласа, Ҳасаннинг юраги увишиб кетади.

Билмайин босилган қадам, масаланинг моҳиятини ўз вақтида чуқур мушоҳада этмаслик, соддадиллик ва илмсизлик гоҳо инсон ҳаётини издан чиқариб юбориши мумкин экан. Уни алдашди. Исломий маърифатдан баҳраманд этамиз, дейишди. У ишонди. Ишонувчанлиги туфайли оғир жиноятларга аралашиб қолишига оз қолди...

Воқеа бундай бўлган эди.

Фарзанд учун онадан улуғ, онадан яқин киши йўқ. Пойтахтимизнинг "Юнусобод" маҳалласида яшовчи Ҳасан Аҳмедов волидаи муҳтарамасига ғоят меҳр қўйган эди. Онаси оламдан ўтгач, узоқ вақт уни унутолмади. Шундай кунларнинг бирида, аниқроғи, 1998 йил декабрида Чорсу бозоридан қайтаётганда, бекатда турган йигит Ҳасанга салом бериб: "Савоб йўлида, биродар", дея бир қоғоз тутқазди. Ҳасан қизиқсиниб варақадаги ёзувни ўқий бошлади. Йигит уни ўз домига туширганига ишонч ҳосил қилди, шекилли, "Маъқул, десангиз, Олло йўлида бирга бўламиз", деди. «Бизнинг ниятимиз холис, мўминларга тўғри йўл кўрсатишдан иборат», дея қўшиб қўйди.

Ҳасан онасини тушида кўрганини ва айтган гапларини унга сўйлади.

— Онанг сенинг бу юришингдан норози, — деди йигит. — Сен бизнинг йўлимизга кир, шунда сенга жаннатнинг эшиклари очилади...

Шундай дея у атрофга бир аланглаб олди-да, ёнидан бир китобча чиқариб варақлай бошлади. Нималарнидир ўқиб, мағзини чақиб берган бўлди.

Илмсизлик — ёмон, аммо шунинг оқибатида адашиш ундан ҳам ёмон. Ҳасан оқ-қоранинг фарқига унча бормагани учун ўша йигитнинг таъсирига тушиб қолди. Автобусда уйига келгунича хаёлидан унинг гаплари кетмади: "Бундай номозхон одам бировга ёмонлик қилмайди, қаттиқ гапиришни гуноҳ ҳисоблайди», деган хаёлга борди.

Кўп ўтмай у билан сирдошдўст тутинди. Ҳасан педагогика институтида ўқиса-да, ҳайдовчилик курсини битириб гувоҳнома олган эди. Лекин ҳайдай деса, ўзининг машинаси йўқ. Бир куни дўстидан машинасини сўради.

—Бемалол, ўртоқ, — дея йигит калитини тутқазди.

"Дўст бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас," деб ўйлади Ҳасан.

Ҳасан Аҳмедов шу тариқа диний экстремистлар гуруҳига қўшилиб қолганини кейинчалик англади. Энди у ўзи номозхон деб билган йигитдан кишини сескантирадиган таклифларни эшита бошлади. Ҳатто бир қадар ўзини четга тортди. Аммо энди кеч эди. У жазо муддатини ўтаётган кунларда февраль воқеалари, кейинчалик Боткен ва Сариосиёда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ҳақида эшитди, қаттиқ пушаймон бўлди. Фитнакор тўдаларга аралашиб қолгани юрагини эзиб юборди. Ўшанда у озодликка чиқсам, бутун ҳаётимни инсонларга яхшилик қилишга бағишлайман, деб ният қилган эди.

Конституциямизнинг ўн йиллиги байрами Ҳасан Аҳмедов ҳаётида бурилиш ясади. У шундай бўлганига уйига кириб келгунича ҳам ишонмаган... Чунки Ҳасан саккиз йилга озодликдан маҳрум этилган эди. 2002 йилги «Амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонига биноан икки йил деганда ўз айбидан қаттиқ пушаймон бўлгани учун у авф этилди ва озодликка чиқарилди.

— Ҳасанни болалигидан биламан, — дейди "Юнусобод" маҳалласи оқсоқоли Сайфулла Иноятов. — Унинг соддадиллиги, мулойим табиатлилиги ақидапарастларга қўл келган. Адашиб шу йўлга кириб қолганини, ўз айбидан қаттиқ пушаймон эканини ҳисобга олиб, биз маҳалла аҳли унга кафолат хати бердик.

Халқимизнинг кечиримлилиги, бағрикенглиги Ҳасаннинг ёлғиз отаси бағрига қайтишига, ҳаётдан ўз ўрнини топишига замин яратди. Ҳасан Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан 2002 йил 29 декабрида кекса отаси қучоғига қайтди.

— Хонадоним ҳувуллаб қолган эди, мана, ўғлим қайтиб уйимни тўлдирди. Шундан буён Худога шукурлар айтиб, Юртбошимизни дуо қилиб ўтирибман, — дейди Маҳмуд ота Аҳмедов. — Юртимиз ҳамиша тинч бўлсин, ёмон кўзлардан Худонинг ўзи асрасин. Ҳозир Ҳасанбойни уйлантираман деб қиз қидираяпмиз, насиб этса, яқинда тўй қиламиз.

Ҳасан Аҳмедовнинг ишга жойлашишида маҳалла қўмитаси катта ёрдам кўрсатди. Бугун у пойтахтдаги 271-ўрта мактабда ўз соҳаси, бадиий графика — чизмачилик фани бўйича ёшларга таълим бермоқда.

— Мен тенги йигитларнинг уч-тўрт фарзанди бор,— дейди у.

Лекин эзгуликнинг эртакечи йўқ дейишади. Бунга унинг ўзи ҳам, ён-атрофдагилар ҳам ишонишади.

— Ҳасан мактабимизда иш бошлагач, тажрибали ўқитувчиларни унга бириктириб қўйдик. Чунки муаллим ўқув услубини қанчалик яхши ўзлаштирса, мавзуни ёшларга шунчалик яхши тушунтира олади, — дейди мактаб директори Муаттар Вакилова. — Бугун жамоамиз орасида Ҳасан Аҳмедовнинг ўз ўрни бор, у жонкуярлиги, ўз касбига садоқати туфайли обрў топа бошлади.

— Мен бошқаларга нисбатан икки ҳисса кўп ишлашим, юрт равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилиб, ўзимни кўрсатишим керак, — деди ёш ўқитувчи, биз билан хайрлашар экан. — Бошимга ўзим сотиб олган савдолар аччиқ сабоқ бўлди. Мен тинчлик, эркинлик, жамиятда ўз ўрнинг, обрўйинг бўлиши нима эканини чуқур ҳис этдим. Йўқотган нарсаси одамга ниҳоятда қадрли туюлади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз кўрсатган ҳиммат ва бағрикенглик — бизга билдирилган юксак ишончни оқлашга бутун куч-ғайратимни, билимимни сафарбар этаман.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИ ОЧИЛДИ

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА).*

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида янги спорт-соғломлаштириш мажмуи фойдаланишга топширилди.

Спорт мажмуининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур университет ректори А.Комилов сўзга чиқиб, спорт давлатимиз шуҳратини жаҳонга таратиш ва одамлар орасида соғлом турмуш тарзини оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий этилган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом этиб тарбиялашнинг ўзига хос уч босқичли тизими Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзи мустаҳкам қарор топаётир, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ўз соғлиғига муносабати ўзгармоқда.

Янги барпо этилган спорт мажмуи замонавий сузиш ҳавзаси, алоҳида тренажер заллари, ювиниш, кийим алмаштириш хоналарига эга.

Шу куни университетда баскетбол, футбол, теннис, гандбол, волейбол каби спорт турлари бўйича талабалар мусобақаси ўтказилди.

## Виктор Константинович МИХАЙЛОВ

Мамлакатимиз коммунал хўжалиги оғир жудоликка учради. Оғир хасталик бутун кучи ва билимини соҳани ривожлантиришга сарфлаган кекса ходим, республикада хизмат кўрсатган қурувчи Виктор Константинович Михайловни 72 ёшида орамиздан олиб кетди.

Унинг бутун меҳнат фаолияти жонажон Ўзбекистонимиз аҳлига яхшилик қилишга қаратилган эди. Ёшлик йиллари ўтган Сурхондарё вилоятида ҳам уни миннатдорлик билан эслашади. Мамлакатимизнинг энг жанубий вилоятида ишлаб юрганда, у оқсоқолларнинг ҳам, ёшларнинг ҳам ҳурматига сазовор бўлган эди. Республика ҳукумати Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган пайтда В. Михайлов Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига, ёш мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берди.

1986 йилдан бошлаб Юрий Михайлович қийин соҳа — уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида меҳнат қилди. Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасидаги Давлат дастурининг амалга оширилиши, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида йирик сув иншоотларининг қурилиши аҳолига тоза ичимлик сув бериш имконини яратди. Андижон, Бекобод, Нукус ва Фарғонада ишга тушган қозонхоналар туфайли одамлар иссиқ сувдан баҳраманд бўлди.

Виктор Константинович меҳнатсеварлиги ва камтарлиги билан уни билган барча кишиларнинг ҳурматига сазовор бўлган олийжаноб инсон эди.

Ватан унинг хизматларини юксак қадрлади. У орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Фидокор қурувчи, ажойиб муҳандис ва йирик ташкилотчи инсоннинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

**Бир гуруҳ дўстлари.**

## Технологиялар кўргазмаси

Республикамизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Кичик ва ўрта корхоналарни замонавий технологиялар билан таъминлаш мақсадида эса Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бир неча йиллардан буён хорижий ҳамкорлар билан "MINITECH" кўргазмаларини ўтказиб келмоқда.

Кеча ушбу Палата яна Ҳиндистоннинг "SAVERS IMPEKS" компанияси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ҳиндистоннинг экспортни ривожлантириш Кенгаши ҳамда Ҳиндистон элчихонаси билан ҳамкорликда "Ўзкўргазмасавдо" мажмуида "SAVERS MINITECH International Expo Tashkent 2003" кўргазма-савдосини ташкил қилди.

Кўргазмада Ҳиндистоннинг 35 та йирик компанияси томонидан 1000 дан ортиқ енгил саноат, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, қадоқлаш, кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, матбаа ва бошқа соҳаларга оид технологиялар намойиш этилмоқда.

Кўргазмада намойиш этилаётган ускуна ва технологияларнинг тадбиркорларимиз томонидан сотиб олинишини осонлаштиришнинг энг қулай шакллари қўлланилади. Шу масалада Ўзбекистоннинг 17 тага яқин йирик тижорат банклари, лизинг компаниялари, «Бизнес-фонд» ва бир қатор вазирликларнинг ходимлари ҳисоб-китобларни амалга оширишда тадбиркорларга ёрдам берадилар.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР !

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
TOSHKENT
МБМ

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ВА «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

*сизларни биржа савдоларига таклиф этади.*

**Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилган.**

| Т/р | Объект номи | Объект манзили | Техник характеристикаси | Бошланғич нархи, сўм |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори, асосий бино 2-қавати | 40 кв.м. | 8 010 200,0 |
| 2. | Бино қисми | Бектемир тумани, Ж.Тошкандий кўчаси, 57-уй | 81,84 кв.м. | 1 763 796,0 |
| 3. | Бино қисми | Бектемир тумани, Садовая кўчаси, 27-уй | 84,5 кв.м. | 1 402 250,0 |
| 4. | Бино қисми | Миробод тумани, «Қўйлиқ» даҳаси, 2-мавзе, 32-уй | 53 кв.м. | 1 728 658,0 |
| 5. | Бино қисми | Миробод тумани, «Қўйлиқ» даҳаси, 2-мавзе, 32-уй | 50 кв.м. | 1 630 831,0 |
| 6. | Бино қисми | М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 330-уй | 74 кв.м. | 2 331 820,0 |
| 7. | Бино қисми | С.Раҳимов тумани, Сағбон-Фаробий кўчаси, 5-6-7-уйлар | 123 кв.м. | 19 520 350,0 |
| 8. | Бино қисми | С.Раҳимов тумани, Сағбон-Фаробий кўчаси, секция-5, 2-уй | 129 кв.м. | 21 582 730,0 |
| 9. | Бино қисми | С.Раҳимов тумани, Сағбон-Фаробий кўчаси, 2-блок, 2-сек. | 129 кв.м. | 19 418 098,0 |
| 10. | Бино қисми | С.Раҳимов тумани, Сағбон-Фаробий кўчаси, 2 блок, 2-сек. | 45 кв.м. | 6 773 751,0 |
| 11. | Бино қисми | С.Раҳимов тумани, Сағбон-Фаробий кўчаси, 5-уй (6-бл., 2-сек.) | 130 кв.м. | 19 672 165,0 |
| 12. | Бино қисми | С.Раҳимов тумани, Сағбон-Фаробий кўчаси, 6-уй (3-бл., 2-сек.) | 129 кв.м. | 21 523 180,0 |
| 13. | Бино қисми | Сергели тумани, Спутник даҳаси, 5-мавзе, 21-уй. | 74 кв.м. | 1 597 086,0 |
| 14. | Бино қисми | Сергели тумани, Спутник даҳаси, 9-мавзе, 61-уй | 461 кв.м. | 9 099 927,0 |
| 15. | Бино қисми | Чилонзор тумани, 8-мавзе, 58-уй. | 165,5 кв.м. | 25 589 056,0 |
| 16. | Бино қисми | Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 16-уй | 17 кв.м. | 2 675 141,0 |
| 17. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори | 38 кв.м. | 13 300 000,0 |
| 18. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори | 39 кв.м. | 13 650 000,0 |
| 19. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават | 43 кв.м. | 6 450 000,0 |
| 20. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават. | 43 кв.м. | 6 450 000,0 |
| 21. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават. | 42 кв.м. | 6 300 000,0 |
| 22. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават | 42 кв.м. | 6 300 000,0 |
| 23. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават | 84 кв.м. | 12 600 000,0 |
| 24. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават | 42 кв.м. | 6 300 000,0 |
| 25. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават | 42 кв.м. | 6 300 000,0 |
| 26. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори асосий биносининг 1-қаватидаги фойенинг 2-қисми | 16,5 кв.м. | 5 775 000,0 |
| 27. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори асосий биносининг 1-қаватидаги фойенинг 19-қисми | 16,5 кв.м. | 5 775 000,0 |
| 28. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» марказий қисмида жойлашган асосий бинонинг 2-қавати 2-қисми | 84 кв.м. | 12 600 000,0 |
| 29. | Бино қисми | М.Улуғбек тумани, Хумоюн даҳаси, 3а-уй | 481 кв.м. | 15 412 293,0 |
| 30. | Бино қисми | Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20-мавзе, 7а-уй | 61.19 кв.м. | 1 884 263,0 |
| 31. | 12 қаватли маъмурий бино | Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 100-уй | 8178.0 кв.м. | 300 000 000,0 |
| 32. | Қурилиши тугалланмаган бинонинг «D» блоки | Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси | 4203.6 кв.м. | 425 000 000,0 |
| 33. | Қурилиши тугалланмаган бинонинг «E» блоки | Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси | 6419.3 кв.м. | 150 000 000,0 |
| 34. | Қурилиши тугалланмаган бинонинг «F» блоки | Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси | 6104.5 кв.м. | 20 000 000,0 |
| 35. | Бино қисми | А.Икромов тумани, 24-мавзе, 55-уй | 147,0 кв.м. | 4 347 384,0 |
| 36. | Бино қисми | М.Улуғбек тумани, Қорасув даҳаси, 2-мавзе, 23-уй | 1761,0 кв.м. | 41 626 448,0 |
| 37. | Бино қисми | Миробод тумани, Қўйлиқ даҳаси, 1-мавзе, 1-уй | 56 кв.м. | 1 146 374,0 |
| 38. | Бино қисми | Миробод тумани, Норхўжаев кўчаси, 27-уй | 283 кв.м. | 9 551 800,0 |
| 39. | Бино қисми | Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 18-1-уй | 38 кв.м. | 1 377 750,0 |
| 40. | Бино қисми | С.Раҳимов тумани, Сағбон-Фаробий кўчаси, 5-6-7 уйлар | 111 кв.м. | 16 708 586,0 |
| 41. | Бино қисми | С.Раҳимов тумани, Сағбон-Фаробий кўчаси, 5-6-7-уй | 19,0 кв.м. | 2 977 220,0 |
| 42. | Бино қисми | Сергели тумани, Спутник даҳаси, 7-мавзе, 9-уй | 30 кв.м. | 383 110,0 |
| 43. | Бино қисми | Сергели тумани, Спутник даҳаси, 9-мавзе, 68-уй | 86 кв.м. | 1 584 662,0 |
| 44. | Бино қисми | Ҳамза тумани, «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳаси, 2-мавзе, 8а-уй | 24,0 кв.м. | 3 325 581,0 |
| 45. | Бино қисми | Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 4-уй | 14 кв.м. | 419 849,0 |

| Т/р | Объект номи | Объект манзили | Техник характеристикаси | Бошланғич нархи, сўм |
|---|---|---|---|---|
| 46. | Бино қисми | Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 4-уй | 1080 кв.м. | 30 802 280,0 |
| 47. | Бино қисми | Ҳамза тумани, М.Риёзий кўчаси, 7а-уй | 37,0 кв.м. | 6 144 626,0 |
| 48. | Бино қисми | Чилонзор тумани, Х.Дўстлиги кўчаси, 16-уй | 66,0 кв.м. | 10 260 210,0 |
| 49. | Бино қисми | Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий даҳаси, 1-уй | 60 кв.м. | 2 665 820,0 |
| 50. | Бино қисми | Чилонзор тумани, Қурилиш 1-тор кўчаси, 6-уй | 512,63 кв.м. | 16 730 450,0 |
| 51. | Бино қисми | Шайхонтоҳур тумани, Қирқ тор кўчаси, 34-уй | 1473 кв.м. | 48 648 225,0 |
| 52. | Бино қисми | Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 1-уй | 560 кв.м. | 17 275 779,0 |
| 53. | Бино қисми | Юнусобод тумани, «Олой» бозори, асосий бино қисми (хожатхона) | 451 кв.м. | 63 602 112,0 |
| 54. | Бино қисми | Яккасарой тумани, Абдуллаев кўчаси, 5-уй | 48 кв.м. | 1 194 362,0 |
| 55. | «Нур» мажмуаси | М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уй | 1 642.0 кв.м. | 750 000 000,0 |
| 56. | Қурилиши тугалланмаган савдо-маиший хизмат блоклари | Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси | 3 000.0 кв.м. | 250 000 000,0 |
| 57. | Қурилиши тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси | Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди КПД-5 ёнида | 28700 кв.м | 59 921 772,0 |
| 58. | «1-сон уй-жой қурилиш комбинати» ОТАЖга қарашли маъмурий бино қисми | Чилонзор тумани, 10-мавзе, 32а-уй | 510,0 кв.м. | 38 889 455,0 |
| 59. | «1-сон уй-жой қурилиш комбинати» ОТАЖга қарашли «УОР-3» базаси | Миробод тумани, Эски отчопар кўчаси, 3-уй | 9329,0 кв.м. | 48 154 625,0 |

**Биржа савдоларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти балансида бўлган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони («Пойтахт бизнес мажмуаси»нинг ғарбий қисми)да жойлашган қуйидаги объектлар қўйилган.**

| Т/р | Майдони, кв.м. | Бошланғич нархи, сўм |
|---|---|---|
| 1. | 118 | 43 081 800 |
| 2. | 113 | 41 256 300 |
| 3. | 56 | 20 445 600 |
| 4. | 110 | 40 161 000 |
| 5. | 16 | 5 841 600 |
| 6. | 78 | 28 477 800 |
| 7. | 43 | 15 699 300 |
| 8. | 32 | 11 683 200 |
| 9. | 17 | 6 206 700 |
| 10. | 62 | 22 636 200 |
| 11. | 24 | 8 762 400 |
| 12. | 72 | 26 287 200 |
| 13. | 121 | 44 177 100 |
| 14. | 81 | 29 573 100 |
| 15. | 27 | 9 857 700 |
| 16. | 16 | 5 841 600 |
| 17. | 24 | 8 762 400 |
| 18. | 154 | 56 225 400 |
| 19. | 154 | 56 225 400 |

| Т/р | Майдони, кв.м. | Бошланғич нархи, сўм |
|---|---|---|
| 20. | 69 | 25 191 900 |
| 21. | 26 | 9 492 600 |
| 22. | 74 | 27 017 400 |
| 23. | 147 | 53 669 700 |
| 24. | 65 | 23 731 500 |
| 25. | 205 | 74 845 500 |
| 26. | 434 | 158 453 400 |
| 27. | 141 | 51 479 100 |
| 28. | 219 | 79 956 900 |
| 29. | 72 | 26 287 200 |
| 30. | 1004 | 366 560 400 |
| 31. | 385 | 140 563 500 |
| 32. | 235 | 85 798 500 |
| 33. | 78 | 28 477 800 |
| 34. | 257 | 93 830 700 |
| 35. | 76 | 27 747 600 |
| 36. | 77 | 28 112 700 |
| 37. | 72 | 26 287 200 |

***Шунингдек, савдоларда «Автомакон» ЁАЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги дўконлар, «Юнусобод универсал бозори» ОАЖнинг А.Дониш шохобчасидаги, «Паркент бозори» ОАЖ, «Авиасозлар бозори» ОАЖ ҳудудларида турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқлари сотилмоқда.***

**Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунида «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй. Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.**

### Самимият

*Қашқадарё вилояти ҳокимлигида обунага бағишланган йиғилиш бўлади, унда вилоятдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этадилар, дейишганда, мен уни олдинги йиллардагидек ўтади ва «Фалон газетага бунча, унисига мунча обуна бўласан», қабилидаги гаплар айтилади, деб ўйлагандим. Янглишган эканман.*

*Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев бошқарган йиғилиш самимий мулоқотга, дўстона маслаҳатлашувга, фикр алмашувга айланиб кетди. Энг муҳими, журналистларнинг вилоятда ислоҳотларни амалга оширишдаги иштироки қандай бўлиши лозимлиги ҳақида сўз борди.*

# ОБУНА БАҲОНАСИДА

## кўнгилдаги гаплар айтилди

Тўғри, гап обунадан бошланди. Қашқадарё вилоятида қарийб 2,5 миллион аҳоли истиқомат қилади. Хўш, шунинг қанча қисми газета-журнал ўқияпти? Буниям қўйиб турайлик, раҳбарларнинг, хусусан, вилоят ва туман раҳбарларининг аксарияти кундалик оммавий ахборот нашрларини ўқишадими? Афсуски, бунга ижобий жавоб бериш қийин. Раҳбарларнинг айримлари газета ўқимаслиги рост. Айни чоғда, газеталарда суриштириб, излаб ўқийдиган мақолалар камлиги ҳам рост. Замон руҳини, давр шиддатини, ҳукумат сиёсатини дарҳол илғаб олиш учун матбуот билан таниш бўлиш керакми-йўқми? Қолаверса, нега газеталар нархи баланд бўлиб кетди, деб нолишдан бошқани билмаймиз. Нима учун республика газеталарини телеграфдан фотонусхасини олиб, жойларда босмаймиз? Қачонгача газеталарни ташиб келтирамиз?

Вилоят ҳокимлиги қабулига келаётганларнинг аксарият кўпчилиги ариза, оз қисми таклиф билан келишади. Бу ҳамон одамларимиз эскича фикрлаб, эскича кайфиятда юрганлигини кўрсатади. Демак, энг аввало, одамлар онгини ўзгартиришимиз керак. Бу эса маълум маънода журналистларга боғлиқ. Қани Ватан табаррук тупроқ дея шаънини улуғлашга, жамиятни тараққий эттиришга ундовчи мақолалар? Йўқ эмас, бор. Бироқ оз. Нега шундай? Бу билан ким қизиқиб кўрди? Журналистларнинг қандай шароитда ишлаётганлигини биламизми? Уларга қандай ёрдам берганмиз?

Йиғилиш-мулоқотда ана шулар ҳақида сўз борди. Обуна баҳона ҳоким ҳам, журналистлар ҳам кўнгилларидаги гапларни тўкиб солишди. Асосийси, парвозни баланд олиш, бунинг учун муштни бир жойга уриш лозимлиги ҳақида келишиб олинди. Ўтмас матоҳни зўрлаб ўтказиб бўлмаганидек, ҳеч кимни мажбуран обуна қилдириб бўлмайди. Лекин матбуот нашрларини ўқишга ундаш, тушунтириш ҳеч қачон зарар қилмайди. Биз демократик ҳуқуқий жамиятда яшаяпмиз. Сўз — эркин. Журналистлар учун катта ҳуқуқлар берилган ва бу қонунлар билан мустаҳкамланган. Шундай экан, шунга яраша ишлаш керак, холос.

Мана, вилоятда илк бор маънавият дастури тузилди. Бинобарин, энди бу соҳада доимий ва изчил иш олиб борилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, вилоятдаги матбуот уйи таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланади, тўлиқ компьютерлаштирилади.

Айни кунлардаги долзарб вазифа нима? Пахтани тез ва нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш. Бунда журналистларнинг ўрни қандай бўлади? Ўтган йили 27 декабрдан кейин ерлар шудгорланиб, дон экилган эди. Шунда айримлар ҳафсаласи пир бўлиб, «Кечикдик, энди дон бўлмайди», дейишгача боришганди. Қарангки, ғалла бўлди. Бўлганда ҳам мисли кўрилмаган даражада бўлди. Одамларнинг уйи донга тўлди. Пахтамиз ҳам, худога шукур, кўзни қувонтириб турибди. Бунга қандай эришдик? Энг аввало, халқнинг кўнглини кўтариш, руҳини кўтариш, ишонтириш орқали, албатта.

Бу вилоят қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашида ҳам алоҳида эътироф этилди. Эндиги гап етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда қолди. Не азоб билан етиштирилган пахтани ёғин-сочинга қолдирмай йиғиштириб олсак, марра бизники. Бироқ айримлар кўракнинг бари пишиб етилсин, деб дефолиацияни ё кечиктиради, ё бу ишни пайсалга солади. Президентимиз Қашқадарёга ташрифи чоғида Собир Раҳимов номли хўжаликнинг оилавий пудратчиси Мамат Ботиров билан суҳбати чоғида бежизга ундан «Дефолиация керакми-йўқми?» деб сўрамаганди, ахир. Бу ишнинг моҳиятини одамларга ким тушунтиради? Эскича фикрлаб, эскича иш тутаётган хўжалик раҳбарлари, ҳокимларнинг кўзини ким очади? Журналистлар... Журналистлар доим ҳаётдан бир қадам олдин юришади. Йиғилиш-мулоқотда уларга ана шундай ишонч билдирилди, уларнинг ишига катта баҳо берилди.

Хуллас, обуна баҳона вилоят аҳолисининг маънавий-маданий савиясини ўстиришнинг долзарб муаммолари, галдаги вазифалари ҳақида самимий тарзда фикрлашиб олинди. Ҳар ким ўз ишини виждонан адо этиши лозимлиги уқтирилди. Назаримда, бу гаплар йиғилиш-мулоқотда қатнашган ҳар бир журналистнинг кўнглини кўтариб, янгидан янги изланишларга чорлайди.

Бу ёғини вақт кўрсатади. Қани, вилоятдаги газеталарда ана шу йиғилиш-мулоқот таъсири ўз ифодасини қандай топаркин?

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДАДИЛ ОДИМЛАР

*Тошкент теннис мажмуасида бўлиб ўтаётган қитъа миқёсидаги энг нуфузли мусобақалардан бири Осиё чемпионати ўзининг қизғин палласига кирди. Айтиш мумкинки, икки йилдан буён пойтахтимизда ташкиллаштирилаётган ушбу турнир янги-янги теннис юлдузларини кашф қилмоқда. Бу ўринда юртимиздан ҳам истеъдодли ракетка усталари етишиб чиқаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Ўтган йилги мусобақаларда бунинг гувоҳи бўлгандик. Теннис оламида ҳали унчалик танилиб улгурмаган Ивана Исроилова аёллар ўртасидаги баҳсларда Осиёнинг тенгсиз ракетка соҳибаларини ортда қолдириб, финал иштирокчисига айланганди.*

Бу йилги чемпионатда ҳам илк шов-шувни айнан вакилларимиз қайд этишди. Мўғулистонлик Сукжаргал Сухбатар Тошкентга келмаганлиги боис унинг ўрнига кортга тушган Важа Узоқов ўзидан анча тажрибали бўлган хитойлик Юн Ху устидан ишончли ғалабага эришди. Унинг муваффақиятини яна бир ҳамюртимиз давом эттирди. АТР рейтингида 1004-ўринда бораётган Мурод Иноятов, 611-ўриндаги ҳиндистонлик Сунил Кумарни 6/3 ва 6/1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шунингдек, Дмитрий Мазур, Олег Огородов, Вадим Куценколар ҳам рақибларидан устун эканликларини намойиш этишди. Кечаги ўйинларда эса омад юртдошларимизга кулиб боқмади. Сарвар Икромов АТР таснифида ўзидан анча ортда бораётган кореялик Сунг Кюн Кангга 4/6, 6/4, 6/4 ҳисобларида ютқазиб қўйди. Мусобақанинг еттинчи ракеткаси покистонлик Аиссам Курешига қарши майдонга тушган Антон Кокурин тажрибали рақибини енголмади.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

Аёллар ўртасидаги беллашувларда ҳозирча теннис маликаларимиз ишончли ҳаракат қилишмоқда. Асосий ўйинларнинг биринчи кунида Влада Экшибарова ва Елена Арутюнова илк учрашувда ўз ҳамюртлари Эленора Сейтжемилова ҳамда Наргиза Раҳмоновадан устун келишди. Ўтган йилги финал иштирокчиси Иванна Исроилова сал бўлмаса ҳиндистонлик Анхита Бхамбрига имкониятни бой бериб қўяй деди. Биринчи сетдаги хатоларини тўғрилай олган Иванна кейинги сетларни ўз фойдасига ҳал қилди. Энди у бугунги баҳсда мусобақанинг саккизинчи рақамли теннисчиси кореялик Чой Жинг Йонгга қарши кортга тушади. Шунингдек, кечаги учрашувда Экшибаровани доғда қолдирган Оқгул Омонмуродова учун ҳам чорак финал баҳси осон кечмайди. У чемпионатнинг биринчи рақамли ракетка соҳибаси индонезиялик Винне Пракусяга қарши "жанг" олиб боради.

Тошкент теннис мажмуасидаги Осиё чемпионати ўйинлари давом этмоқда.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Қамчиқ довонида «Улуғ Туркистон»







*Қамчиқ довони орқали ўтган Тошкент-Ўш халқаро йўли, шубҳасиз, мустақиллигимизнинг буюк иншоотларидан биридир. Бу йўл кўҳна Ипак йўлининг узвий қисми бўлиб, мамлакатимизни дунё билан боғлайди. Бугунги кунда довон йўлидан ўтсангиз йўл четларида бунёд этилаётган оромгоҳлар, умумий овқатланиш шоҳобчалари, савдо расталари, автокемпингларга кўзингиз тушади. Айни пайтда улар сафига «Улуғ Туркистон» мажмуаси ҳам қўшилди. Наманганлаги «Буюк» савдо ишлаб чиқариш корхонаси томонидан қурилаётган ушбу мажмуанинг бир қисми, фойдаланишга топширилди. Келгусида мажмуа қабатида ошхона, меҳмонхона, оромгоҳдан ташқари автокемпинг ҳам ўрин эгаллайди.*

**СУРАТЛАРДА: «Улуғ Туркистон» мажмуасининг умумий кўриниши; мажмуа раҳбари Ойбек Усмонов.**

**Турғунбек МАҲКАМОВ**
**олган суратлар.**


**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади.**
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

**«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ**

- дебиторлик қарзларини ундириш;
- ҳар қандай хўжалик ва фуқаролик низолари юзасидан иш юритиш;
- корхоналарни тезкор давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;
- корхоналарга юридик хизмат сифатида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.

HIMOYA

Ҳақ тўлаш ишнинг натижалари бўйича амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., А.Икромов к., 13-уй (Мўлжал — метронинг «Ҳ.Олимжон» бекати). Телефонлар: Тошкент ш.: (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72, 105-82-33. Бухоро ш.: (365) 223-63-72, 223-68-85. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15.

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

**БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

2003 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кундузги **АСПИРАНТУРАГА** қабул эълон қилади:

- **МАКРОИҚТИСОДИЁТ** *(агросаноат мажмуида);*
- **МИКРОИҚТИСОДИЁТ** *(агросаноат мажмуида).*

**Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700097, Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 28-уй, 2-қават, 5-хона, аспирантура бўлими.**
**Телефонлар: 76-86-44, 76-86-00, 117-50-16.**

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг

**КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МАРКАЗИ**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 июлдаги 304-сонли қарорига мувофиқ:**

- хўжалик жамиятларининг раҳбар ходимлари, бошқарувчи компаниялар ходимлари, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларини 176 соатли дастур бўйича ўқитишга;
- акциядорларни, кузатув кенгашлари ва тафтиш комиссиялари аъзоларини 88 соатли дастур бўйича ўқитиш ва малакасини оширишга;
- хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори, монополияга қарши тартибга солиш соҳасида ва бошқа иқтисодий тузилмаларда ишловчи мутахассисларни 88 соатли дастур бўйича касб даражасини оширишга;

корпоратив бошқарув, молиявий таҳлил ва ҳисобот, молиявий ва стратегик менежмент, маркетинг йўналишлари бўйича **қабул қилади.**

Манзилимиз: Тошкент ш., Пушкин к., 59-уй, 3-қават.
Тел.: 132-61-62, 132-61-66, 132-62-88, 132-61-58.
Тел./факс: 132-61-55, 132-61-61.
E-mail: HamidulinM@rambler.ru
Web site: http://www.dssp.uz/hsb_eng.htm


Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси компания фахрийси, республикада хизмат кўрсатган алоқачи **Пўлат САЛМОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси университет бош ҳисобчиси Тойир Муҳитдиновга падари бузруквори **Насриддин ота МУҲИТДИНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази жамоаси кадрлар билан ишлаш бўйича референт Гўзал Зияевага онаси **Муқаддам УСМАНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Республика радиоси жамоаси Сирдарё вилояти бўйича мухбири Равшан Шодиевга отаси **Раимқул ШОДИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.






**ХАЛҚАРО РОУМИНГ**

**Фарғона водийсида *GSM* тармоғи кенгайди!**

NEW! Наманган вилоятида - Тўрақўрғон, Ҳаққулобод, Поп, Жумашўй шаҳарларида; Фарғона вилоятида - Водил шаҳрида. NEW!

AzerCell (Озарбайжон), ArmenTel (Арманистон), LMT (Латвия), ERA (Польша) тармоқлари муштарийлари билан халқаро *SMS*

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ: УСМОН ЮСУПОВ КЎЧАСИ, 16-УЙ ("ЛАБЗАК")
1300909, 1310909, 1030909
"UZDUNROBITA" ҚК ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 611
WWW. UZDUNROBITA.UZ

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ:
АНДИЖОН: 90909; БУХОРО: 70909; ЖИЗЗАХ: 79909;
НУКУС: 10909; ҚАРШИ: 20909; НАВОИЙ: 80909;
НАМАНГАН: 12909; САМАРҚАНД: 80909; ТЕРМИЗ: 29909;
ГУЛИСТОН: 40909; ФАРҒОНА: 10909; УРГАНЧ: 10909;
ОЛМАЛИҚ: 60909; БЕКОБОД: 23466 ; ДЕНОВ: 39008;
ЧИРЧИҚ: 69909; ЯНГИЙЎЛ: 40909; ШАҲРИСАБЗ: 21900

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН



«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ



Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ,
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.



БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 868, 23016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — Х. ЭШМАНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Б. ОСТОНАҚУЛЛОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 20.45*
1 3 4 5 6